



Совет Россияси харбий кучлари томонидан 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик агдариб ташланиб, халк республикаси тузилгани эълон килинди. Хокимиятга расман “Ёш бухороликлар” етакчилари келган бўлса-да, мамлакат амалда болшевиклар кўлига ўтди.

Бухорони босиб олиш режаси йил бошидаёқ пишиб етилган эди. Май ойи аввалида Москвага келган Турккомиссия аъзолари Ш. Элиава ва Я. Рудзутак РСФСР ташки ишлар вазири Г.В. Чичеринга “Турккомиссия эртагаёқ Бухоро амирлигининг мустакиллигини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради” деган баёнотни топширади. 1920 йил 22 майда РКП(б) МК бюроси Бухорога ҳужум қилиш тўғрисидаги Турккомиссия аъзолари фикрини маъқуллайди.

Туркистон fronti қўшинлари қўмондони М.В. Фрунзе Бухоро амирлигига қарши харбий ҳаракатларни тезлаштиришни сўраб, 1920 йил 31 июлда В.И. Ленинга телеграмма жўнатганида, РСФСР қурулти кучлари бош қўмондони С.С. Каменев “Қулай фурсатда бошлашга рухсат берилади”, дея қиска жавоб йўллаган. Болшевикларнинг ёлгон шiorлари ва ваъдаларига ишонган Файзулла Хўжаев амирликни агдариш учун бирдан-бир тўғри йўл М.Фрунзе қўмондонлигидаги қизил қўшинлардан “ёрдам сўраш” деб билди (Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-қитоб. Ўзбекистон совет мустанлақчилиги даврида. Тошкент, 2000. 127–128-бетлар).

1920 йил 12 августда М. Фрунзе амирликни тугатиш мақсадида Самарқанд-Бухоро фронтини шакллантиришга буйруқ берди. Шу тарика амирлик чегараларида 7 000 пйёда, 2 500 отлик аскар, 5 та огир тўп, 35 та енгил тўп, 206 та замбарак, 5 та бронеавтомобил, 5 та бронепоезд ва 11 та аэроплан урушга шай ҳолатга келтирилди. Киёслаш учун, ўша пайтда Амир Олимхон ихтиёрида 15 минг сарбоз, 55 та эски тўп ва 12 пулемёт бор эди, ҳолос. 16-18 августда Чоржўйда Бухоро коммунистларининг 4-қурултойи ўтказилиб, амирга қарши исён қўтариш режасини қабул қилди (Қ.Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши қураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 йиллар). Тошкент, 2002.

12-бет).

Болшевиклар бу маккорона режани амалга ошира бошлади. Тарихда “ялпи кўзголон” дея номланган сохта ҳаракат 1920 йил 23 августда Бешим Сардор бошчилигидаги ёлланма туркман отликларининг Чоржўй якинидаги Сақор бозорини ишғол килиши билан бошланди. Бешим Сардор ва Чоржўй коммунистлари Эски Чоржўйни эгаллаб, юздан ортик амалдорларни камокка олишди. Чоржўй беклиги газнаси Чоржўй ревкоми ва янги ҳукумат ихтиёрига ўтди. Келишувга кўра, шу кун Чоржўй ревкоми “Бутун Бухоро халки номидан” “Туркфронт”га ёрдам сўраб мурожаат килди. Ваҳоланки, Бухоро халки курултой қароридан ҳам, Бешим Сардор исёнидан ҳам буткул беҳабар эди. Бухоро тақдири кизил кўшин инон-ихтиёрига топширилганди.

М. Фрунзе “ёрдам” тўғрисидаги мурожаатни олғач, кўшинларини 4 та зарбдор гуруҳга бўлди. Самарқанд гуруҳи 29-30 августда Шахрисабз-Китоб йўналишида ҳаракатланиб, Қарши ва Гузорни эгаллаши, Каттакўргон гуруҳи эса Хатирчи, Зиёвуддин ва Қарманани олиши, Чоржўй гуруҳи Эски Чоржўйни эгаллаб, Афғонистон билан чегараларни назорат килиши, Фороб ва Қоракўлни забт этиб, кўшимча буйруқни кутиб туриши лозим эди. Қогон гуруҳига Эски Бухорони ишғол килиш, Амир Олимхонни асир олиш ва Арқдаги хазинани кўлга киритиш юқланган эди.

1920 йил 29 августда Эски Бухоро ҳам ҳаводан, ҳам ердан каттик ҳужумга учради. Қарши дарвозасигача келган темирйўлда турган бронепоезд ва Самарқанд, Шайх Жалол, Намозгоҳ дарвозалари якинидаги тўплардан 1-2 сентябр кунлари шаҳарга 12 000 та снаряд улоқтирилди. 11 та аэроплан шаҳар устига уч кун давомида бетиним бомба ёғдириб турди. Бухоро ҳатто кимёвий снарядлардан ўққа тутилди.

Қарши ва Самарқанд дарвозалари тагига 800 килограмдан ортик порох кўмилиб портлатилди. Кулаган дарвозалардан кизил аскарлар шаҳарга мўр-малаҳдай бостириб кирди. Кўча жанглари бошланиб кетгач, Амир Олимхон шаҳар обидаларини ва аҳолини омон сақлаш мақсадида пойтахтни тарқ этди. Совет аэропланлари уни кидириб топиш баҳонасида шаҳар атрофидаги кишлоклар, тарихий обидалардан Ситораи Моҳи Хосани бомбардимон килди. 2 сентябрда кизиллар Арққа кўргонига байроқ тикди (Қ.Ражабов. Бухорога кизил армия босқини ва унга қарши қураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 йиллар). Тошкент, 2002. 12–13-бетлар).

Шафқатсиз ўқ ёмғири ва бомбардимон натижасида шаҳар обидаларининг бешдан бир қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳлар нобуд бўлди. Воқеалар шохиди Муҳаммад Али Балжувоний “Тарихи Нофеий” (“Фойдали тарих”) асарида қуйидагича тасвирлайди: “Бухорони босиб олиш натижасида 34 та гузар, 3 000 дан ортик дўқон, 20 та сарой, 29 та масжид ёниб ҳароб бўлди. Минораи Қалонга ҳам зарар етиб, Олимхон ва Мир Араб мадрасалари ёниб кетди... Ҳазрати Имом дарвозасидан Гузари Назаргача, Қофиробод, Ўғлон дарвозаси, Масжиди Қалон, Зиндондан Тўқумдўзий ҳаммомигача, минора остидан то Сўзангарон даҳаси, Гулбозор, Латтафурушлар растаси, Регистондан то Пули ошиқоннинг бошигача батамом ёниб кетди. Қарши дарвозаси ҳам ёниб битди... Шаҳарда 3 000 га яқин ҳовли қул бўлди. Бухоро шаҳри қарийб 20 кун ёнганди. Бухоронинг шу даражада ҳароб бўлганини ҳеч бир тарих кўрмаган эди” (Муҳаммад Али Балжувоний.

Тарихи нофеий (Фойдали тарих). Тошкент, 2001. 70–71-бетлар).

Туркистон fronti кўмондонлиги Бухорони бомбардимон килиш учун махсус аэропланларни ажратган. Махаллий аҳоли уларга “темир кузгунлар” деб ном берган эди. Янги Бухоро (ҳозирги Когон) шаҳри атрофида махсус қурилган аэродромда жойлашган “Фарман”, “Фарсал”, “Сопвич”, “Нюпор”, “Вуазен”, “Албатрос” русумидаги аэропланларга Янги Чоржўйдаги 25-авиаотряд учувчилари ўз самолётлари билан ёрдамга етиб келган.

Бухорони хаводан бомбардимон килишда фаоллик кўрсатган учувчи Н. Фаусек (1919–1923 йиллари Туркистон fronti таркибидаги 43-разведкачи авиация отряди ҳарбий учувчиси сифатида миллий озодлик ҳаракатига қарши кўплаб ҳарбий тадбирларда, жумладан, Фаргона водийсида ҳам тинч аҳоли ва истиклолчиларни қиришда қатнашган; 1937 йил 20 декабрда қамокка олиниб, НКВДнинг Москвадаги Коммунарка махсус объектида 1938 йил 15 мартда отиб ташланган. Ўша куни ҳудди шу ерда Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов қатл этилганини ҳам диққатдан қириб бўлмайдиган) эслашча, Степанов, Столяров, Фаусек, Ирин, Зеленский, Ласкин каби учувчилар аэропланлардан Бухоро шаҳрига бир неча марта кўплаб бомбалар ташлаган.

Бомбардимоннинг иккинчисида ҳар бири 64 килограмм келадиган авиабомбалар бир неча юз метр баландликдан тўппа-тўғри “Амирнинг беадад бойликлари тўпланган қордек оппоқ саройи”га ёғдирилган (А. Бобунов. Над Бухарой (по воспоминаниям тов. Фаусека) // Война в песках. Материалы по истории гражданской войны к XII тому. Гражданская война в Средней Азии. Под редакцией М.Горького, Вс. Иванова, И. Минца, Ф. Колесова. Москва, 1935. С.299). Николай Фаусек бошқарган “Фарман” туридаги бомбардимончи аэроплан ўз юқларини шаҳарга “муваффақият” билан ташлаб, ҳаммадан кейин қайтиб кетган.

Яна Н. Фаусекнинг эсдаликларига мурожаат қиламиз: “Биз Бухорони бомбардимон қилдик. Қадимий амирликни вайрон этиб ташладик. Хусусан, машҳур “Ажал минораси”га (1127 йили Қорахонийлар сулоласининг машҳур ҳокими Муҳаммад Арслонхон томонидан қурдирилган Арслонхон минораси қўзда тутилмоқда. XX асрдан бошлаб тарихий адабиётларда янглиш равишда Минораи Қалон деб юритилмоқда) тушган бомба, гарчи моҳиятан бу миноранинг мўлжалга олиниши биз учун мутлақо фойдасиз бўлса-да, бизга алоҳида завқ-шавқ бағишлади... Учиб борар эканман, пастда бир масжидни қўриб қолдим, мен гўёки гумбазни қўпориб ташладим, деб мактанди бир учувчи. Биз мириқиб қулдик. Шу-шу, учувчининг лақаби “Гумбаз” (“Қупол”) бўлиб қолди” (Война в песках. С. 303).

Хотираларда қайд этилишича, Бухорони осмондан туриб яқсон қилишни тезроқ тугатиш мақсадида ҳамда бомбалар ва тўп ўқлари аниқ мўлжалга тушиши учун шаҳар осмонига махсус аэростатлар учирилган. Авиация кўмондони “бензин ва бомба тугагунга қадар” шаҳарни бомбардимон қилишга буйруқ берган. Тошкентдаги Туркистон ҳарбий округи музейининг совет ҳокимияти йилларида намойиш этилган қўрғазмаларида кўрсатилишича, Н. Ласкин деган учувчи ҳужум пайтида Бухорога 26 пуд (1 пуд – 16,3 килограмм) бомба ташлаган экан.

Шахарнинг аёвсиз бомбардимон килиниши хужумнинг учинчи куни ҳам давом этди: “Амирнинг шаҳар чеккасидаги қароргоҳи Ситорайи Моҳи Хоссани (русча матнда “Саттар-Маҳасу” деб хато кўрсатилган) бомбардимон қилдик. Амирнинг хиди келган ҳамма жой ва ҳамма нарсани вайрон этдик” (Война в песках. С. 305). Холбуки, амирнинг ёзги қароргоҳи бўлган Ситорайи Моҳи Хосса саройи ҳеч қандай ҳарбий аҳамиятга эга бўлмай, бу ерда Амир Саид Олимхоннинг ҳарами жойлашган эди.

Бухоро амирлигига босқин уюштирган қизил армия раҳбарларидан бири, Қогон қўшинлар гуруҳи қўмондони, захирадаги генерал-майор В. Клементев “Совет Туркистони учун” (номланишини қаранг) қитобига қиритилган “Амирликнинг емирилиши” хотираларида Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган Арқи Олий, ундаги минора ва гумбазлар, масжидлар ва мезаналар вайрон этилгани тўғрисида ҳарбийларга хос бўлмаган мактанчоқлик ва қибра билан ёзади (В.Г. Клементьев. Крушение эмирата // За Советский Туркестан (Сборник воспоминаний). Ташкент, 1963. С. 457–465).

Босқинчи, албатта, ўзи босиб олган юртни ўз мулки деб ҳисоблаши табиий ҳол: “Арқнинг оппоқ тош ва мрамор миноралари, асосий саройи юзлаб қақирим наридан қўриниб турарди. Бомбардимонда Арқнинг асосий мезана ва миноралари вайрон қилиб ташланди... 1 сентябр куни соат учларга яқин Қарши дарвозасининг қапроғида девор ости чуқур қовлашиб, 52 пуд қеладиган портловчи модда қўмилгани ва портлатиш учун тайёрлаб қўйилгани ҳақида муҳандис маълумот берди. Дарвозанинг портлатилиши соат беш яримга мўлжалланган бўлиб, қолган икки соат мобайнида шаҳарни тўплар ва замбараклар ҳамда аэропланлардан қаттиқ бомбардимон қилишга тайёргарлик учун ажратилди” (За Советский Туркестан. С. 462).

Қарши дарвозаси портлатилгандан сўнг, 1 сентябр кечқурун қизил аскарлар Бухоро шаҳрига бостириб қирган. Бухороликлар бу қунларни “қичик қиёмат” деб атадилар. Қизиллар Арқдаги амир хазинаси, Бухоро қозикалони, қушбеги ва бошқа амалдорларнинг бойликларини қалон қилдилар. Совет аскарлари ва қўшин раҳбарлари бу қалон-торожликдан беҳад-беҳисоб бойлик орттиришди. Туркистон фронти инқилобий-ҳарбий бюро “уқлиги”нинг аъзоси А.Машицкийнинг 1920 йил сентябрда В.И. Ленинга ёзган маълумотномасида шаҳар маркази яқсон қилинган, Регистон ва Арқ ёндирилган, Арқ ертўлаларида ва омборхоналаридаги бойликлар – олтин, қумуш, олмослар қаланган, бунда қизил армия бевосита қатнашгани ҳақида ҳабар берилган (РГАСПИ, ф. 122, оп. 3, д. 21, л. 195).

Амирлик хазинаси ва бошқа бойликлар ортилган икки эшелон (ҳар бирида 14 қадан вагон бўлган) юқ Тошқент орқали Москвага йўл олди. Улқан бойликларни ўмарган М. Фрунзе Москвага қайтиб борганда, чекистлар қомонидан Қозон вокзалининг ўзидаёқ қамолқа олинди (Қаранг: Қ.Қажабов. Бухоро олтинлари тақдири ёҳуд “ўртоқ Фрунзе иши” // “Бухоро мавжлари” журналы, 2004, №4. 25–26-бетлар).

Қарийб 15 сентябрғача давом этган қалов гувоҳи бўлган Турққомиссия вақили Г. Сафаров: “Бухорога қелган қизил қўшинлар энг аввало қалончилиқ билан шугулланди. Улар қаммони ва қамма нарсани қалади. Умуман, қизиллар Бухорони қалаш учун қелганди”, деб ёзганди (Г.И. Сафаров. Колониальная революция (Опыт Туркестана).

Москва, 1921. С. 94).

Кизил аскарлар амирлик таркибидаги 27 та бекликни ҳам бирин-кетин эгаллагач, Бухоро амирлигига бархам берилган, унинг худудида Бухоро Халк Совет Республикаси тузилган (К.Ражабов, С.Иноятов. Бухоро тарихи. Тошкент. 2016. 136-140-бетлар).

Милоддан олдинги III асрда Пуни урушлари чоғи боскинчи Рим империяси лашкари кадимий Карфаген шаҳрини қандай вайрон этган бўлса, совет Россияси қўшини ҳам кадим Бухорони ана шундай талон-тороғ қилди. Шаҳар ҳатто араблар (Қутайба) ва мўғуллар (Чингизхон) босқини даврида ҳам бу қадар қаттиқ ҳароб айланмаган, тарихий ёдгорликлар бузиб ташланмаган, ўн минглаб бегуноҳ тинч аҳоли нобуд бўлмаган эди!

Кахрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Тарих институти етакчи илмий ходими